БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 203 (19.874). ● 1987 йил 4 сентябрь, жума ● Баҳоси 3 тийин.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИШИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛСИН

3 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди.

Комиссия аъзолари шу йилнинг биринчи ярмида табиатни муҳофаза қилувчи объектлар қурилишида капитал маблағларни ўзлаштириш натижаларини муҳокама қилдилар. Ана шу фаолиятнинг ҳамма йўналишларида капитал маблағларни ўзлаштириш суръатлари суст эканлиги таъкидланди. Ярим йилда бажарилган ишлар ҳажми йиллик планнинг 39 процентини ташкил этади. Бир қанча министрликлар ва идоралар, айниқса Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети республика Мебель саноати, Дон маҳсулотлари министрликлари, Ўзбекистон Саноат паррандачилиги бош бошқармаси жиддий қолоқликка йўл қўймоқдалар.

Комиссия мажлисида аҳоли пунктларини, корхоналарни, бошқа объектларни сел оқимидан, қор кўчкисидан бошқа кўчки ва ўпирилишлардан ҳимоя қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар бу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар ҳозирча мунтазам тусда эмаслигини айтдилар. Кечиктириб бўлмайдиган ишлар одатда авария-тиклов тадбирлари тарзида бажарилмоқда. Ишларнинг бундай аҳволи ҳар йили катта иқтисодий нобудгарчиликларга олиб келмоқда.

Комиссия мажлисида халқ депутатлари маҳаллий Советлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида ўзларига берилган ҳуқуқлардан етарлича шижоат билан фойдаланмаётганликлари, ўзларининг фаолиятсизлиги билан табиатга катта зарар етказаётган мансабдор кишиларга нисбатан ортиқча кўнгилчанлик қилаётганликлари таъкидланди.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан комиссия кенгайтирилган қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, бутун табиатни муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш йўллари белгиланб берилди.

(ЎзТАГ).

Ҳосил—87

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Йиғим-теримга тайёргарлик қизғин босқичга кирди. Тайёргарлик ишларини авж олдириш билан ғўзаси кечки бўлган майдонларда парваришни кучайтиринг! ● Терим техникасидан самарали фойдаланиш чораларини кўрайлик! ● Машина терими учун ажратилган майдонлар бегона ўтдан бутунлай холи бўлсин! ● Дефолиация ўтказишнинг тартиб-қоидаларига тўла амал қилиш ғўза баргининг батамом тўкилишини таъминлайди.

Факт ва шарҳ

БЎЛАЖАК ҲОСИЛ УЧУН

Ўзбекистон жанубида уруғлик пахтани саралаб териш бошланди. Термиз районидаги Жданов номли колхознинг Жўра Чориев, Ҳотам Баротов бошлиқ бригадалари ва бошқа коллективлари далаларидан дастлабки центнер янги ҳосил йиғиб-териб олинди.

Очилган пахтанинг ҳаммаси ҳам тажрибали теримчиларнинг этагига тушаётгани йўқ, фақат пайкал четларидаги ва барги камроқ ғўзатупларининг пастидаги пахталар териб олинмоқда. Апробация ҳар гектар ердан бу йилги мавсумда 37 центнер, айрим участкаларда эса 40 центнергача хом ашё териб олиш мумкинлигини кўрсатди.

«Октябрь 40 йиллиги» номли қўшни колхозда ҳам уруғлик пахта терими бошланди. Янги ҳосилнинг дастлабки тонналари хирмонларга ёйиб қуритилмоқда, чунки ҳозир уруғлик пахтага алоҳида талаб қўйиляпти.

Бу хабарни Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ғўза уруғчилиги ва навларни жойлаштириш кичик бўлимининг бошлиғи Н. Холмуродов шарҳлайди:

— Бу йилги ҳосилни деҳқонлар қийинчилик билан етиштирдилар, ҳосилнинг етилиши кечикди. Аммо пахтакорлар уруғлик пахтани йиғиб-териб олишда шошилмасликлари муҳимдир. Чунки чигит яхши пишиб етилиши лозим. 61 та элита ва 30 га яқин уруғчилик хўжаликларининг асосий қисми ялпи теримни тахминан бир ҳафтадан кейин бошлайдилар. Қишлоқ меҳнаткашларининг юксак уюшқоқлик ва интизом билан ишлашлари талаб қилинади. Пахта тайёрлаш пунктларида уруғлик пахтани қабул қилиб олиш шартлари қаттиқ қилиб қўйилмоқда. Навларни аралаштириб юборишга, етилмаган ва қуритилмаган пахтани тоғ ташишга йўл қўйган хўжаликларга нисбатан кўриладиган чоралар анча кучайтирилмоқда. Шу билан бирга пахта сифатига, унинг тоза бўлишига кўпроқ эътибор берилиши учун теримчиларнинг кунлик нормалари 20 процент камайтирилди. Уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ пировард натижага боғлиқ бўлади. Пировард натижа эса мавсум охирида аниқланади.

Республика уруғлик фонди енгил саноат талабларига мувофиқ вужудга келтирилади. Енгил саноат эса тўртинчи ва бешинчи типдаги толани қўпроқ талаб қилмоқда. Шу сабабли хўжалик жиҳатидан истиқболли ҳисобланган С—6524, Бухоро—6, Андижон—13, С—9070, 9883 ғўза навлари ва бошқа навларнинг чигитини кўпайтириш ва районлаштириш ишлари давом эттирилади.

(ЎзТАГ).

Оқолтин районидаги «Чинобод» совхозининг Баҳром Раҳимов бошлиқ 4-бўлими пахтакорлари 710 гектар ерда деҳқончилик қилишаётир. Шунинг 310 гектари биринчи марта чигит экилган қўриқ ерлардир. Коллектив пахтакорлари мавжуд майдонларда юбилей йилида икки план миқдорида пахта етиштиришга сўз беришган.

Чинободлик чўлқуварлар айни кунларда ғўза парваришини бир дам сусайтирмаган ҳолда йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўришаётир. Мавжуд 16 та «зангори кема» ва бошқа техника воситалари ремонтдан чиқариб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилганига анча бўлди. Суратларда: 1. (юқорида, чапдан) моҳир механизаторлардан Карим Йўлдошев, Аҳдам Раҳимов, Жабборали Асқаров, Абдулла Тўраев, Мадамин Умрзоқов, Толибжон Аҳмаджоновлар. 2. (пастда, чапдан), механизатор Баҳриддин Асқаров, бўлим бошлиғи Баҳром Раҳимов, механизатор Аввзбек Сотволдиев ва бригада бошлиғи Мухторали Тўланов. 3. Юбилей йили ҳосили.

В. Тўраев фотолари.

МАХАРАЖ МАКТАБИДАНМИЗ

Маданият министрлиги вакили бу ёшларни фестивалда биринчи бўлиб ўз санъатларини намойиш этадиган ижодкорлар деб таништирди. Улар ажойиб ҳинд санъаткори, маданият арбоби Махаражнинг шогирдлари эди. «Биз — Махараж мактабиданмиз», деган сўзни ҳар бири алоҳида фахр билан таъкидлайди.

Махаражни бутун дунё танийди. Хореография, вокал ва музика санъатида ватанида ўзига хос ижрочилик мактабини яратган бу ижодкор бизнинг мамлакатимизда жуда кўп марта гастролларда, ижодий сафарларда бўлган. Игорь Моисеев, Людмила Зикина, Маҳмуд Эсамбаев каби санъаткорлар унинг яқин дўстларидир. Махараж мамлакатимизда, қатор чет элларда ўтказилган кўрик-конкурсларнинг бир неча бор лауреати бўлган. Унинг рақ қослик санъати бетакрорлиги билан ажралиб туради. «Дўстимнинг энг катта, энг биринчи ютуғи шундаки, — деган эди И. Моисеев, —у қадимги ҳинд ўйинларини қайтадан тиклаб, сайқал бериб, бугунги Ҳиндистоннинг улкан ижрочилик саҳнасига олиб чиқди».

Ҳа, дўст Ҳиндистон ўзининг ана шундай фидойи санъаткорлари билан фахрланади. Шу боисдан икки мамлакатда ўтказилаётган фестивалларнинг мезбонлари ва меҳмонлари ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб Махараж ва унинг труппасига тўхталди. Дўстлик тантаналарида намойиш этиладиган янги номерлар ҳам энг аввало ана шу ижодий коллективдан кутилган эди. Моҳир санъаткорлар бир-биридан жозибали, мазмунли рақслари ва қўшиқлари билан келишди.

— Фестивалга тараддуд кўриш жараёнида устозимиз санъат иши учун фидокорлигини яна бир бор кўрсатди, — дейди раққоса Сандиа Панди. — Репетиция пайтида «сизлар Совет Иттифоқига боряпсизлар», деган фахрли сўзларни тез-тез такрорларди. Айни вақтда ўзи ҳам чарчамасдан машқ қиларди.

Мишра Лопита ёш, иқтидорли хонандалардан саналади. У биринчи марта ўзга мамлакат саҳнасида қўшиқ куйламоқда. Қўшиғи эса, «Дўстлик — менинг муҳаббатим» деб аталади. Санъаткор репертуаридаги бошқа тароналар эса, Ҳиндистоннинг қадимги куйлари асосида яратилган. Мишрадан «Совет санъаткорларидан кимни ёқтирасиз?» деб сўрашганида, «Людмила Зикина»ни деб жавоб берди.

Киран Чахан, Мриналини Синха, Навина Жаъфа, Коника Гошларни ниҳоятда хурсанд бир кайфиятда учратдик. Улар Лаъл Баҳодир Шастри хотирасига ўрнатилган ёдгорликни, тарихий Тошкент Декларацияси имзоланган бинони кўришганини мамнун бўлиб гапиришди.

— Ёдгорлик совет халқининг халқимизга бўлган чексиз муҳаббатини ифодаласа, тарихий Декларация СССР, жумладан, дўстлик шаҳри Тошкент тинчлик байроқдорларидан бири эканини рўй-рост кўрсатиб турувчи сўнмас ҳақиқатдир,— дейди Навина Жаъфа.

Бугун Тошкентда байрам тантаналари билан Совет–Ҳиндистон фестивалларининг иккинчи босқичи очилади

МАРҲАБО, УТСАВ!

Совет Иттифоқида Ҳиндистон фестивали бу Совет—Ҳиндистон дўстлигининг тантанаси, ажойиб тинчлик байрамидир.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

● В. И. Ленин номли майдонда бўладиган Утсав халқ сайлида 11 та концерт майдончасида 400 дан зиёд ижрочи (хонанда, созанда, раққоса ва раққослар) ўз маҳоратларини намойиш этади.

● «Амар», «Чакри» деган ҳинд халқ мушакбозлиги бўлади. ● «Мела» байрам бозори ишлайди.

● Ҳиндистонлик моҳир ҳунармандлар ясаган турли маҳсулотлар пештахталарга қўйилади. ● Ҳинд графикаси, эстампи намуналари, ўйинчоқлар, қўғирчоқлар ва грампластинкалар сотилади. ● ДЎСТЛИК ТАНТАНАЛАРИГА МАРҲАМАТ!

Маданий анъаналарнинг давомчилари

3 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ёшлар — маданий анъаналарнинг давомчилари» мавзуидаги семинар СССРда Ҳиндистон фестивали ёшлар программасининг асосий воқеаларидан бири бўлди. Семинарда сўзга чиққан иккала мамлакат олимлари ва студентлари фестиваль халқларнинг бир-бирларига, уларнинг сиёсати ва экономикасига, илм-фани ва маданий анъаналарига астойдил қизиқишини яна намойиш қилажаги тўғрисида гапирдилар.

Иккала мамлакат олий ўқув юртларининг студентлари, мактаб ўқувчилари бугунги кунда ана шу анъаналарни давом эттирмоқдалар. Улар совет ҳокимиятининг 70 йили мобайнида ва Ҳиндистон республикаси мустақиллигининг 40 йили мобайнида рўй берган ижобий ўзгаришларни ўрганиб, ўзаро делегацияларга юбормоқдалар, бир-бирлари билан хат ёзишиб турибдилар. Ўзбекистонда ҳинд тили чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблар бор, Ҳиндистон республикасида ҳам бизнинг мамлакатимизга қизиқиш жуда катта.

Семинар қатнашчилари фестиваль халқларимизни бирлаштириб турган кўп асрлик алоқаларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликнинг янги саҳифасини очади, деб ишонч билдирдилар.

«Ҳиндистон ёшлари» виставкаси очилди

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Илҳом» ижодкор ёшлар клубида 3 сентябрь куни очилган «Ҳиндистон ёшлари» виставкаси эмблемасида йиғинт ва қиз, зайтун шохчасини тиншлаб олган тинчлик оқ кабутари тасвирланган. Виставкада ҳиндистонлик ёш усталар ва ҳунармандлар ясаган ўнлаб буюмлар, беш юздан ортиқ фотосурат қўйилган.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Азиз Носиров виставка очилиши муносабати билан бўлиб ўтган митингда гапириб, фестиваль программасининг ёшлар қисмига кирувчи бу экспозиция иккала мамлакат йигит ва қизларининг бир-бирларини яқиндан билишларига имкон бериб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади, деди.

Жамму ва Кашмир штатининг маданият министри Муҳаммад Аслом виставка ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб, бундай виставкалар ва фестивалларнинг Ҳиндистон ва СССР халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаб, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолишга кўмаклашажагини алоҳида таъкидлади.

● ● ●

Шу куни ҳиндистонлик меҳмонлар В. И. Ленин номидаги республика Пионерлар ва мактаб ўқувчилари саройида бўлдилар, сарой секциялари ва тўгаракларининг иши билан танишдилар.

Халқ талантлари сарчашмаси

ФАРҒОНА АРТИСТЛАРИНИНГ ФЕСТИВАЛГА АРМУҒОНИ

Фарғонадаги «Нефтчи» маданият саройининг «Қир гуллари» ашула ва рақс ҳаваскорлик ансамбли Афғонистон Демократик Республикасига қилган сафаридан қайтиб келди. Ҳозир бу коллектив СССРда ўтаётган Ҳиндистон фестивали меҳмонларини кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбек артистлари янги концерт программасини намойиш этадилар, бу программадан СССР халқлари қўшиқ ва рақслари ўрин олган.

«Қир гуллари» ҳаваскорлик ансамбли коллективи сингари Охунбобоев районидаги «Гўзал» ашула ва рақс ансамбли артистлари ҳам қардош Чехословакиянинг саҳналарида ўз санъатларини муваффақиятли намойиш этдилар. Ленинград район маданият уйининг «Табассум» коллективини ироқлик томошабинлар қизғин олқишлаган эдилар. Кува районидаги «Анор» ашула ва рақс халқ ансамбли Бельгия ва Голландияда ўтказилган халқаро фольклор фестивалида олтин медалга сазовор бўлди. Бадиий ҳаваскорлик ижодкорлиги биринчи Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати, Қувасой шаҳридаги «Тиканак» халқ бадиий ҳаваскорлик коллективи Вьетнамга гастролга бориб келди. Бу коллективларнинг барчаси Ҳиндистоннинг СССРдаги фестивали қатнашчилари ҳузурида концерт беришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Хаёлим ҳамиша сенда— Ҳиндистон

СССР халқ артисти Ҳалима НОСИРОВА ҳикоя қилади.

Инсон ҳаётида шундай воқеалар бўладики, вақт ўтиши билан улар қалб дафтарининг варақларида ўзига хос муҳр қолдиради. Мен баъзан-баъзан ана шулар ҳақида ўйланиб қоламан. Йиллар ва йўллар армуғон этган энг яхши хотираларим бугунги кунда қайта жонланиб, хаёлимни узоқ-узоқларга олиб кетади. Бамисоли жўшқин дарёдай... Айниқса шу кунларда Ҳиндистон таассуротлари мени ўзига мафтун этадики, бугунги кунда ёшларга қайта ва қайта ҳикоя қилиб бергим келади.

60-йилларда Ҳиндистон тупроғига, кўҳна ва навқирон мамлакат пойига қадам қўйган онларим ёдимдан чиқмайди. Ўшанда биз — бир группа ўзбекистонлик адабиёт ва санъат намояндалари Деҳли шаҳрига кириб бордик. Бу саёҳатимиз халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, азалий анъаналарнинг барқарорлиги йўлида хизмат қилишдан иборат эди.

Биринчи куни бизни Жавоҳарлаъл Неру қабул қилди. У совет ўзбек санъатига, адабиётига баҳо бера туриб, айниқса, халқпарвар, тинчликсевар эканлигини ҳавас билан таъкидлади. Суҳбат орасида мен ижро этган ўзбек, рус, ҳинд қўшиқлари ҳақида аниқ маълумотлар келтириб, юқори баҳолади. Шундан сўнг ҳамроҳларимга қарата «Ҳалима Носирова ҳақида менинг фикрим шу», — дея ифтихор туйғусини изҳор этди.

Бу мен учун жуда катта баҳо, беқиёс олқиш ифодаси эди. Замонамнинг, ҳалқим, юртим, Советлар диёрининг фарзанди бўлганлигимдан қувониб кетдим. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, оддий қизнинг Улуғ Октябрь шарофати туфайли дунё кезиши, дўст мамлакатларда тинчлик ва бирдамлик фестивалларида қатнашиши улкан воқеа, эмасми?

Аградаги машҳур обида— Тожмаҳални бориб кўрганимда ҳинд санъатига, маданиятига яна бир бор қойил қолганман. Нақадар назокат ва ўткир ақл-шуур билан, улуғвор меъморлик санъати билан қурилган бу обида. Биз —санъаткорлар бу жилоларни ҳали-ҳали бир-биримизга сўзлаб берамиз.

Саёҳатимиз давомида Деҳлида очиқ майдонда концерт қўйиб бердик. Бошқалар қатори мен ҳам ўз қўшиқларимни ёзиз ҳинд дўстларимга ҳадя этдим. Минглаб томошабинли аудиторияда таниш, қалбга яқин оҳанглар— танбур садолари янгради. Бутун олам қулоқ тутаётгандай эди. Мен бу куйга мастона бош эгганча қўшиқ бошлагандим...

1964 йилда Ҳиндистонда адабиёт ва санъат арбобларининг учрашуви бўлди. Учрашувга мени ҳам таклиф этишди. Совет делегацияси сафида бу гал ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, озарбайжонлик санъаткор, СССР халқ артисти Рашид Бейбутовлар ҳам бор эди. Рашид Бейбутов билан Ҳиндистон Гимнини ўргандик. Ўшанда бу Гимнни ижро этганимда нафақат залдагилар, балки бутун ҳинд халқи овозимга қулоқ солиб тургандай туюлди. Мен бир умр ҳинд халқини, юртини, санъатини севиб қолдим.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳиндистонлик меҳмонлар билан учрашар эканман, ёшлигимни, бу буюк диёрда бўлган кунларимни эсладим. Шунда Ленин партияси, Советлар замонаси туфайли икки мамлакат, икки халқ, икки маданият бир-бири билан қалин дўст, ўртоқ ва биродар бўлиб кетганлигини бутун вужудим билан ҳис этдим. Истагим — шу ҳиссиёт бошқа қалбларга ҳам кўчсин. Шу ҳиссиёт барча оламни мунаввар этсин. Шу ҳиссиёт келажак авлодларга ҳам буюк дўстлик рамзи сифатида бебаҳо мерос бўлиб қолсин.

Суратда: Ҳиндистон фестивали қатнашчилари Тошкент қишлоқ хўжалик институтида.

Е. БОТИРОВ фотолари.

• *КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари—ҳаётга!*

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

◆ Савдо ташкилотларига 15 миллион сўмлик янги буюм ва маҳсулотлар етказиб берилди. Пландан ташқари 700 минг сўмлик фойда олинди.

◆ Аммо шартноманинг ассортимент бўйича банди бажарилмади.

◆ Бухоро, Жиззах, Самарқанд областлари, Тошкент шаҳридаги қатор корхоналарда иш сменалилиги коэффициенти пастлигича қолмоқда.

◆ Имконият ва резервлар етарли. Улардан оқилона фойдаланиш зарур.

◆ Фан-техника тараққиётини иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айлантирайлик.

КПСС XXVII съездидан буён ўтган вақт партия тарихида ва халқимиз ҳаётида масъулиятли, сиёсий жиҳатдан салмоқли давр бўлди. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари бунинг ёрқин далилидир. Бу қарорларни амалга ошириш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришда, халқ ташаббуси ва ижодига кенг имкониятлар яратади, жамиятни ҳақиқий революцион қайта қуришга ёрдам беради.

Министрлик қарамоғидаги корхоналарнинг коллективлари кенг миқёсли қайта қуриш жараёнини тўла қўллаб-қувватлаш билан бирга бу соҳада тобора фаоллик кўрсатмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойлари натижаларига кўра халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш плани, зиммадаги социалистик мажбуриятлар ҳам ортиғи билан бажарилди. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида иш олиб бораётган айрим меҳнат коллективлари имконият ва резервлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланмоқдалар. Бу эса план, молия ва меҳнат интизомини яхшилаш имконини бермоқда. Ўтган вақт ичида савдо ташкилотларига «Н» («Янгилик») индекси 15 миллион сўмлик товар етказиб берилди. Бу эса пландагидан 8 миллион сўмлик кўпдир. Пландан ташқари 700 минг сўм фойда олишга эришилди. Лекин шунга қарамасдан биз ўз ишимиздан ҳали тўла қониқиш ҳосил қилганимизча йўқ. Давр талаблари нуқтаи назаридан қараб, министрлик корхоналарининг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятига танқидий баҳо берар эканмиз, шу нарса кўзга ташланадики, айрим раҳбар қадрларимиз масалаларни ҳал этишда ташаббуси ва ижодига кенг имкониятлар яратади, жамиятни ҳақиқий революцион қайта қуришга ёрдам беради.

Министрлик қарамоғидаги корхоналарнинг коллективлари кенг миқёсли қайта қуриш жараёнини тўла қўллаб-қувватлаш билан бирга бу соҳада тобора фаоллик кўрсатмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойлари натижаларига кўра халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш плани, зиммадаги социалистик мажбуриятлар ҳам ортиғи билан бажарилди. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида иш олиб бораётган айрим меҳнат коллективлари имконият ва резервлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланмоқдалар. Бу эса план, молия ва меҳнат интизомини яхшилаш имконини бермоқда. Ўтган вақт ичида савдо ташкилотларига «Н» («Янгилик») индекси 15 миллион сўмлик товар етказиб берилди. Бу эса пландагидан 8 миллион сўмлик кўпдир. Пландан ташқари 700 минг сўм фойда олишга эришилди. Лекин шунга қарамасдан биз ўз ишимиздан ҳали тўла қониқиш ҳосил қилганимизча йўқ. Давр талаблари нуқтаи назаридан қараб, министрлик корхоналарининг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятига танқидий баҳо берар эканмиз, шу нарса кўзга ташланадики, айрим раҳбар қадрларимиз масалаларни ҳал этишда ташаббуси ва ижодига кенг имкониятлар яратади, жамиятни ҳақиқий революцион қайта қуришга ёрдам беради.

Министрлик корхоналарнинг коллективлари кенг миқёсли қайта қуриш жараёнини тўла қўллаб-қувватлаш билан бирга бу соҳада тобора фаоллик кўрсатмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойлари натижаларига кўра халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш плани, зиммадаги социалистик мажбуриятлар ҳам ортиғи билан бажарилди. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида иш олиб бораётган айрим меҳнат коллективлари имконият ва резервлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланмоқдалар. Бу эса план, молия ва меҳнат интизомини яхшилаш имконини бермоқда. Ўтган вақт ичида савдо ташкилотларига «Н» («Янгилик») индекси 15 миллион сўмлик товар етказиб берилди. Бу эса пландагидан 8 миллион сўмлик кўпдир. Пландан ташқари 700 минг сўм фойда олишга эришилди. Лекин шунга қарамасдан биз ўз ишимиздан ҳали тўла қониқиш ҳосил қилганимизча йўқ. Давр талаблари нуқтаи назаридан қараб, министрлик корхоналарининг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятига танқидий баҳо берар эканмиз, шу нарса кўзга ташланадики, айрим раҳбар қадрларимиз масалаларни ҳал этишда ташаббуси ва ижодига кенг имкониятлар яратади, жамиятни ҳақиқий революцион қайта қуришга ёрдам беради.

Министрлик қарамоғидаги

ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Сариосиёдзаги 5-қишлоқ қурилиши ташкилоти меҳнат аҳли юбилей йилида 1 миллион 890 минг сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Коллектив 7 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини анча ошириб бажариб, истеъмолчиларга 1 миллион сўмликдан зиёд қурилиш материаллари жўнатди.

Юбилейолди мусобақасини авж олдириб, резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган коллектив йиллик планни Октябрь байрамигача бажариш учун курашмоқда. Ҳолиддин Усмонов, Абдували Ҳайитқулов, Раҳмон Равшанов бошлиқ бригадалар пешқадам.

Ишлаб чиқариш интенсив технология асосига кўчирилгани, эски асбоб-ускуналар янгиланганги, уч сменада ишлашга ўтилаётгани ютуқлар омили бўляпти.

Ҳ. ТОШЕВ.

Касбини улуғлаб

Маматқул Муродовнинг номини Жиззах районидаги Навоий номли колхозда ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У 25 йилдан бери шоферлик касбини улуғлаб келяпти. Ҳалол меҳнат қилиш билан бир қаторда, ёшларга касб маҳоратини сидқидилдан ўргатмоқда.

Суртда: ветеран ҳайдовчи Маматқул Муродов.

Ш. ТЎРАЕВ фотоси.

Аччиқ сабоқлар

Гарчанд ширин, гарчанд бебаҳо,
Шукуҳларда яшамоқ тотмаҳ,
Дунёда тек қолар бир даҳо,
Бир даҳоки, Яратиш отмаҳ.
Алдоқ шуҳрат дабдабалари
Зиғир ёғдек урди меъдага.
Мансаб, унвон ғалабалари
Завол бўлди ҳатто бедага.
Пахта қўшиб олди боғларни,
Ер очишга қамиш ўрдилар,
Суриб тўқай ва ботқоқларни,
Тустовуқни тушда кўрдилар.
Дорилашдан қийралди жонзот,
Бокира чўл йўқотди мушкин.
Аюҳаннос фожеъ ҳайҳот,
Орол тушкун, дарёлар тушкун.
Талантлилар ревизионист,
Миришкорлар аксилпахтачи...
Минбарларда ҳукмрон бир ҳис:
Яшавор-ей, роса мақта-чи!
Шунақанги эди ўтган кун,
Шунақанги эди тор муҳит,
Алаҳсираб чиқардик забун,
Кўпаймасди магазинда чит.
Ота мерос экан, ҳали кўп
Бўларканмиз пахтага машғул,
Осмонни қўй, туққан ерни ўп,
Пул деб обрў топмоқлик мушкул.
Муҳаббат сўнг дамгача керак,
Исроф қилма ҳуда-беҳуда.
Қонин ҳайдар бақувват юрак,
Қайта қуриш деганн шу-да!

Султон АКБАРИЙ.

Усти ялтироқ, ичи қалтироқ

Самарқанд шаҳридаги муҳташам бинолардан бирининг пештоқига «Гулбаҳор» деб ёзиб қўйилган. Агар шаҳар, область раҳбари билан маиший хизмат ҳақида сўзлашгудек бўлсангиз албатта «Гулбаҳор» ҳақида тўхталишади. Бу ерда хизматнинг барча турлари марказлаштирилган. Қолаверса йирик саноат корхоналари шу атрофда жойлашган. Бундан ортиқ қулайлик бўлиши мумкинми?

Кўпқаватли кўркам бинога кираверишда ялтироқ ҳарфлар билан «Эрталаб соат 8 дан кеч соат 20.30 гача хизмат кўрсатилади» деб ёзиб қўйилган. Биз соат 19 да бино эшигидан ичкари кирдик.

— Ким керак? — Қарши олди қоровул Обид Аҳмедов.

— Сартарош...

— Кўрмаяпсизми, эшигида қулф осилган.

Нафақат эркаклар сартарошхонаси, балки аёллар салони эшигида ҳам қулф.

Сал нарида пойабзал салони, унинг ёнида эса оёқ кийимлари ремонти хонаси. Эшикларни тортиб кўргандик, қоровул луқма ташлади.

— Улар аллақачон кетишган деяпман-ку!

Иккинчи қаватга кўтарилдик. Ёшгина жувон қоғоз қоралаб ўтирибди. У тикувчилик бўлими смена бошлиғи Роза Аҳматовна Муракаева экан. Ҳали суҳбатимиз қовушмасдан учинчи қаватдан тўрт нафар қиз тушиб келди. Улардан исм-фамилияларини сўрадик.

— Кейинда қолган айб экан-да. Бошқалар аллақачон кетиб бўлишди-ю, — дея икки нафари йўлдан қайтди.

— Мен Моҳтоб Козимова бўламан, трикотаж бўлимида ишлайман. Иш йўқ, шунинг учун кетяпман, — деди қизлардан бири.

— Бригадиримиз касал. Биров иш билан таъминламайди, — деди унинг ҳамкасби Санобар Ғаниева.

Орқага қайтган қизлар — Зуҳра Бакирова, Моҳира Қўзибоева ҳам иш жойларида зерикишди шекилли дарров пастга тушишди. Кейин тикувчилик бўлими смена бошлиғи Роза Муракаева билан суҳбатни давом эттирдик.

— Бугун 32 киши ишлаши керак эди. Лекин интизом йўқ. Орқа эшикларга қулф уриб қўйдим. Барибир кетиб қолишмоқда, — деди у. — Мана, охиргилари ҳам уйларига равона бўлишяпти.

Тикувчилик бўлимидан чиқиб келаётган қизларни суҳбатга тортдик.

Маҳбуба Жўраева: — Аввал шароит яратиб беришсин, кейин ишни сўрашади. Кошона қуриб қўйишибди. Лекин ҳаво етмайди, нафас олиб бўлмайди. Совутгич системаси ишламайди. Бугун мастер Валентина Татонина ҳаво етишмаслиги сабабли юраги хасталаниб бир аҳволда уйига кетди.

Замира Саъдуллаева: — Айтишга уяласан киши, ҳатто ҳожатхона ишламайди. Бунинг устига бугун кун бўйи уйма-уй сув қидирдик. Ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, ичимлик суви тўхтатиб қўйилиши Самарқандда одат тусига кирган.

Лола Қулиева: — Машиналаримиз тез-тез бузилади. Оддий нина, мой билан таъминлашмайди. Магазиндан ўз пулимизга сотиб оламиз.

Насиба Тўйчиева: — Бизни одамларга кайфият улашадиганлар дейишади. Ўзимизда кайфият бўлса, биров-га ҳам кўнгилдагидек хизмат қиламиз-да. Бу ерда кўпчиликнинг умри бекорга ўтяпти. Маош ололмаганлар ҳам бор. Иш йўқлиги сабабли Замира Саъдуллаевага ўхшаганлар ойига 30—35 сўм маош олишяпти, холос. Интизом издан чиққанлиги сабабли буюртмачилар келмай қўйишди.

Қизлар бирин-кетин чиқиб кетишди. Бу масалалар йиғилишларда кўтарилмаганми? — сўраймиз Роза Ахматовнадан.

— Қайта-қайта айтилган, бироқ...

Ҳа, маиший хизмат кўрсатиш уйи директори Лев Аркадьевич Газаров учун булар майда-чуйда гаплар. Ҳатто «Гулбаҳор»га кираверишда 20.30 гача хизмат қиламиз деб ёзилгани, ичкарида эса кўпгина хоналар эшигига соат 18 да иш тугаши ҳақидаги ёзув илиб қўйилгани ҳам у кишини қизиқтирмайди. Айни пайтда биргина тикувчилик бўлими июль ойида давлатга 46 минг ўрнига 12 минг сўм топширгани, қолганлар ҳам аравани худди шундай тортишаётгани директорни қониқтирмоқда.

Пул деса қоп-қоп

Ҳа, Самарқандда бу мақолни ўзига мослаштириб олганлар анчагина. Ўндайлар ишламасдан ёки мижозни алдаб чўнтакларини қаппайтиришгани. Бундан бехабар бўлган Қаҳрамон Муқимов Гагарин кўчасидаги 54-уйда жойлашган ателъеге келиб шим тикиб беришларини сўради. Буюртма олувчилар йиллар давомида устомон бўлиб кетишаркан. Шу боис ҳам М. Нектаров Қаҳрамонга бошдан-оёқ қараб чиқди. Соқоли сабза урмаган йигитча, бемалол алдаса бўлади.

— Боравер, тикиб қўяман, — деди у.

Хуллас Қаҳрамон уйдагилардан 25 сўм пул ундиргунча анча-мунча азият чекди. Қарангки, шимни томоша қиларкан бригадир С. Еқубов «бу 13 сўм 40 тийин бўлади» деди. Бироқ Қаҳрамонга ҳақини қайтиб беришмади. Ўша пайтда даъво қилиши керак эмиш. Ҳар эҳтимолга қарши Қ. Муқимовнинг адресини айтиб қўйилиқ. У шаҳардаги Волейбольная кўчасидаги 2-уйда яшайди, зора унинг ҳақини ундириб берадиган мард топилса!?

— Энди мен буларга ҳеч қачон буюртма бермайман, — дейди Қаҳрамон.

Ана шу маиший хизмат кўрсатиш уйининг биринчи қаватида аёллар салони бор. У соат 20 гача ишлаши керак. Биз келганда эса соат 18 эди. Фаррош Омина Салоховадан бошқа кишини топмадик.

Карл Маркс кўчасидаги 23-аёллар салонида ҳам сукунат. Бири касал бўлиб кетиб қолганмиш. Бошқасининг тўйи бор экан.

— Нима дейсиз, киссасидан планни тўлатиб кетганда. З. Исҳоқов шунақа мард йигит. И. Аванесовани эса кимдир чақириб кетди, — деди усталардан бири.

Рўпарада эркаклар сартарошхонаси. Тўрт киши навбат кутиб турибди. Насрулло Абдуллаев эса гарчи ёш йигит бўлсада аранг қимирлайди. Ҳамроқул Раҳимов ичкарида чойхўрлик қилади. Учинчилари касал бўлиб кетиб қолганмиш. Шу куни ўнлаб кишилардан ана шу жавобни эшитдик.

«Биздан иш эмас, пулини олсин!» Сартарош Х. Раҳимов бамайлихотир айтган бу гапни унинг шаҳардаги бошқа ҳамкасблари ҳам такрорлашди. Пул деса қоп-қоп иш деса. Қўҳиқофдан топ дегани шу бўлса керак.

Қоғозда бор-у амалда йўқ

Қўшиб ёзиш баъзиларга ҳузур-ҳаловат бағишласа керак. Планлар ёлғондан уддалангач, кайфи чоғланиб хаёлан семира бошласа керак, бундайлар. Пуфак шишиб бораверади-ю, бирдан йўққа чиқади. Қўшиб ёзувчи, кўзбўямачи бундан ҳам баттароқ куйга тушади. У хиёнатчи сифатида жавобгарликка тортилади.

Яқинда область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси кенгашида бир қанча раҳбарлар «озиб қолишди». Айниқса Фарҳод Мустафоқуловга қийин бўлди. Ахир 174 минг сўмлик қўшиб ёзишни ташкил қилиш учун озмунча куч сарфладими? Тағин ҳамма ёқда бу иллатга қарши қатъий жанг бораётган бир пайтда-я! У Самарқанд район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи вазифасида ишларкан одамларнинг мушкулини «осон қилишнинг» кўп йўлларини ўйлаб топди ва қоғозда бажараверди. Қишлоқликлар эса шаҳарга қатнаб юраверди-лар.

Жомбой районида — 45, Пастдарғомда — 32, Булунғурда — 9 минг сўмлик қўшиб ёзишга йўл қўйилган. Шу боис мазкур районлар маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари бошлиқлари М. Болтаева, А. Мансуров, М. Охунжонов ишдан олиб ташланди.

Қўшиб ёзиш жонкуярларига тегишли ҳужжатлар тергов органларига топширилди. Шериклар, ҳамтовоқлар ҳам панада қолмаслиги шарт. Ахир улар маиший хизмат кўрсатишни эрмак иш деб юришибди-да.

Хўш, бу ҳол нега юзага келди? Сабаби битта. Интизом издан чиққани учун.

Ҳали яқинда область партия комитетининг саккизинчи пленумида маиший хизмат корхоналарида кўнгилсиз аҳвол вужудга келганлиги, планлар сурункасига барбод қилинаётганлиги кескин танқид остига олинди. Бошқарма раҳбарлари планни уддалаш, экономикани кўтариш ҳақида кўпдан кўп маърузалар қилмоқдалар. Лекин бу ишни нимадан бошлаш кераклигини ўйлаб бошлари қотган. Интизомни мустаҳкамлаш, масъулиятни ошириш ҳақида эса ҳали ҳеч гап бўлган эмас, тадбир ҳам кўрилмаган.

Биз, Самарқанд шаҳридаги «Зебо», «Шодлик» маиший хизмат кўрсатиш уйларида бўлганимизда интизомсизлик нақадар чуқур илдиз отганига иқрор бўлдик. Бир қатор корхоналарда иш вақти узайтирилмаган, ҳамон эскичасига ишлашмоқда. Айрим корхона, цехлар деярли кимнингдир шахсий дўконига айлантирилган. Хоҳласа очади, истаса қулф уриб қўяди. Ҳа, область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарлари (бошлиғи Владимир Ан) талабчан эмаслиги қиммат тушмоқда. Ўз фойдасини ўйлаган маиший хизматчилар кун сайин кўпайиб бораётгани ҳам ана шундан. Бу ҳол қачонгача давом этади?!

Ж. МАМАТОВ.

ИНТИЗОМ ИШДАН ЧИҚҚАНДА

Планлар сурункасига барбод этилаётганининг оддий сабаблари ҳақида уч лавҳа.

• *Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз*

Хонқа районн меҳнаткашларнинг бу йилги ва ўн иккинчи беш йилликдаги марралари йил бошида қабул этилган, матбуотда эълон қилинган социалистик мажбуриятларда ўз ифодасини топган. Ана шу мажбуриятлар қандай бажарилмоқда?

ОЛҒА ИНТИЛИШ КЕРАК

Саккиз ой мобайнида ўтган йилнинг шу даврида гига нисбатан 5,2 миллион сўмлик кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, меҳнат унумдорлиги 9 процент ўсди. Қурилиш-монтаж ишлари 8 ойлик плани бажарилмади. Техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, давлат қабулига ва икки-уч сменали иш кунига ўтишга тайёргарлик кўриш соҳасида белгиланган тадбирлар суст амалга оширилмоқда. Хом ашё, ёқилғи-энергетика ва моддий ресурсларни тежаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда сезиларли силжиш юз бермади.

Автомобилчилар планга қўшимча равишда 55 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташишга, автомашиналарни газ билан ишлашга ўтказиш ҳисобига 86 тонна ёнилғини тежашга сўз берганлар. Бироқ автомобиль транспортининг ишмароми бузилишига йўл қўйилди, юк ташиш бўйича 8 ойлик план 93 процент уддаланди холос. Транспортда меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини, жумладан, коллектив пудрат методини жорий қилишда омилкорлик етишмаётир.

Агросаноат секторида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Давлатга пландаги 207 тонна ўрнига 223 тонна пилла сотилди. 775 тонна ўрнига 803 тонна гўшт, 3378 тонна ўрнига 3912 тонна сут тайёрланиб, 8 ойлик план ортиғи билан адо этилди, планга қўшимча равишда 188 минг дона тухум тайёрланди. Карл Маркс номли ва «Победа» колхозлари, Ал-Хоразмий номли совхоз чорвадорлари гўшт, сут ва тухумни кўпайтириш, маҳсулдорлик ва рентабелликни оширишда яхши натижаларга эришдилар.

Белгиланган режаларда қолоқ тармоқлар ва хўжаликлар бўлмаслигини таъминлаш кўзда тутилган эди. Лекин; бу мақсад ҳали рўёбга чиққани йўқ. Алишер Навоий номли колхозда 63 тонна ўрнига 52,2 тонна гўшт тайёрланиб, 8 ойлик план барбод берилди. «Хоразм» колхози давлатдан анчагина тонна сут қарздор бўлиб қолди. «Ленинград» колхози давлатга гўшт сотиш 8 ойлик планини 83,3 процент бажарди, холос. Чорвачилик маҳсулотлари камайтирилишини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари ўз ишларини қайта қуриб олмаганлар, масъулиятсизлик ва ваъдабозликдан, эскича ишлашдан воз кечмаётирлар. Моллар, айниқса сигирлар бош сонини ўстириш, зотини яхшилаш, фермаларда пудрат методини ва ишни икки сменада ташкил қилиш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш тўғрисида шовқин-сурон кўп-у, амалий иш йўқ.

Район хўжаликларида емхашак тайёрлаш суръати ҳам талабга жавоб бермайди. «Ленинград» колхози озуқа тайёрлашда орқада қолмоқда.

Айрим хўжаликларнинг, район агросаноат бирлашмасининг раҳбарлари «табиий ўтлар ҳали етилмаган» деган кайфиятга берилиб, ғанимат фурсатни қўлдан бой бераётирлар. Ал-Хоразмий номли совхоз пичан тайёрлаш топшириғини адо этган бир вақтда қўшни хўжаликлар бу ишга эндигина киришганлигини қандай баҳоласа бўлади? Бу эътиборсизлик ва хотиржамликдан бошқа нарса эмас. Ҳар бош қорамол ҳисобига қишлов учун камида 20 центнер озуқа бирлиги тайёрлаш ҳақида сўз берилганлигини наҳотки баъзи раҳбарлар унутишган бўлса?!

Суғориш системаларини қайта қуриш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан кўзда тутилган тадбирлар қониқарсиз амалга оширилмоқда. Ишга туширилиадиган объектларда қурилиш суръатини тезлатиш чоралари кўрилмаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида ҳисоботи тингланган бу районнинг раҳбарлари қишлоқда социал-маиший объектлар қурилишини кенгайтириш режалари суст амалга оширилаётганлигини эътироф қилишди ва етилган муаммоларни тезроқ ҳал этиш вақти келганлигини таъкидлашди. Район хўжаликларининг аксарияти иқтисодий жиҳатдан бақувват, социал ривожланиш программасини амалга оширишга маблағ ажратишни 2,5-3 баравар кўпайтиришлари учун уларда реал имконият мавжуд. Аммо, область агросаноат комитети трестлари ва уларнинг райондаги бўлинмалари пудрат ишлари ҳажмини ошириш учун етарли қувватга эга эмаслар, техника ва биноларнинг материаллари таъминотини яхши йўлга қўйиш, қурилиш ишлари ҳажмини ва лимитини ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардандир. Айни вақтда ички резервлардан, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Шу кунларда пахта далаларида, шолипоялар ва полизларда мўл ҳосил етиштириш учун кураш авж олдирилмоқда. Аммо, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқлик тугатилгани йўқ, далаларни бегона ўтдан тозалаш, экинни озиқлантириш ва суғоришда сусткашликка барҳам берилмаётир. Кўсак қурти ва бошқа зараркунандаларни йўқотишда тезкорлик, қатъият етишмаяпти. Ўтган йили машина терими плани атиги 41 процент бажарилганлиги натижасида пахтанинг таннархи қимматга тушганлиги сабоқ бўлиши керак эди. Афсуски, машина теримига тайёргарлик ҳануз қизитиб юборилмаган.

Қишлоқ хўжалиги барча тармоқларини комплекс ривожлантириш, аҳоли жон бошига сабзавот, мева, чорва маҳсулотлари етиштиришни анча ўстириш мақсадида қатор тадбирлар белгиланди-ю, лекин амалий ишлар талаб даражасида эмас. Дастурхонда сабзавот, мева кам бўлса, қоғозда тўлиб-тошганидан нима фойда?

Ҳар йилнинг ўз юки, кўламдор ишлари бор. Ютуқларни мустаҳкамлаш, тўхтамасдан, ҳаллламасдан шиддат ва шитоб билан олдинга бориш керак. Қайта қуриш даврининг талаби шундай. Ҳонқаликлар лафзи ҳалол, бурчга садоқатли кишилар эканлигини меҳнат, фақат меҳнат билан исботлашлари, пировард натижалар билан кўрсатишлари лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ.



Сарноснё районидаги «Дашнабод» совхози соҳибкорлари бу йил узумдан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ҳозир хўжалик боғларида ҳосил терими авжида. Боғбонлар етиштирган узумдан Москва, Ленинград, Владивосток, Свердловск, Новгород шаҳарлари аҳолиси ва БАМ қурувчиларига ҳам жўнатишяпти.

Суратда: узум узишда иштирок қилаётган Розия Ҳамидова (чапда) ва Аширбиби Бойматовалар.

И. ХЎЖАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

БОҒБОНЛАР САРСОН БЎЛМАСИН

Янгийўл районида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг тенг ярми Усмон Юсупов номли узумчилик-боғдорчилик комбинати ҳиссасига тўғри келади.

Комбинатда илгари у бирлашма бўлиб турган пайтдаги план кўрсаткичлари деярли камайгани йўқ. Лекин, шунга қарамасдан, корхона боғбонлари ва соҳибкорлари юбилей йили марралари сари дадил одимлар ташлашди.

Коллектив мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига кўпроқ улуш қўшишга ҳаракат қилиб, Бутуниттифоқ фондига мева-сабзавот топшириш планларини мудом ортиғи билан бажармоқда. Шу йилнинг ўзида Москва, Ленинград, Магадан, Новосибирск, Бойқўнғир ва бошқа шаҳарларга 800 тонна ўрнига 1360 тонна маҳсулот жўнатилди.

Мамлакатимизнинг турли бурчакларига ҳафтада икки марта қатнайдиган самолёт яқинда Халқободдан дастлабки 250 тонна узумни белгиланган манзилга элтиб берди. Шу соҳа бўйича белгиланган топшириқни адо этиш учун боғбонлар яна 1850 тонна узум жўнатишлари керак.

Комбинатда деҳқонлар учун қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб берилганлиги туфайли, сабзавот, мева етиштириш тўқиз ойлик плани етти ойдаёқ адо этилди. Бу — ишни қайта қуришга интилишларнинг дастлабки самараси, албатта.

Комбинатнинг Тошкент шаҳридаги фирма магазини фаол ишлаб турибди. Чуночи помидор, шафтоли, бақлажон, олхўри, болгар гаримдориси сингари маҳсулотлар истеъмолчиларга гоят маъзур бўлмоқда. Кейинги икки ой мобайнида комбинат биргина шу магазиннинг ўзида 18 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Пойтахт бозорлари ярмарка-ларига жўнатилган маҳсулотлар кунига 18—20 тоннани ташкил этмоқда. Пойтахт аҳолисини мева-сабзавот билан таъминлашда Т. Ғаниев, О. Абдураҳмонов, Т. Раҳмонов бошлиқ бригадалар аъзоларининг ҳиссаси, айниқса салмоқли. Бу меҳнат коллективлари Бутуниттифоқ фондига маҳсулот топшириш планларини ҳам биринчилар қаторида бажаришди.

Бироқ комбинат боғ-роғларида пишиб етилган мева-чеваларни йиғиб-териб олишда қийинчиликлар ҳам йўқ эмас.

— Маълумки, пишган мева вақтида териб олинмаса, у сифатини йўқотади, — дейди комбинат директори Ш. Ҳусанов. — Бундай пайтда одатда биз шошиб қоламиз. Шу масала хусусида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Чуночи, Тошкент олий ўқув юртлари ёки техникумларидан бири комбинатни оталиққа олса бўлмасмикин? Бундай шароитда студентлар билим олиш билан бирга меҳнат кўникмасини қўшиб олиб борган (меҳнат семестри пайтида), ўз навбатида деҳқонлар ҳам талабалар дастурхонини тўкин қилган бўлишарди. Энг муҳими, етиштирилган маҳсулот сифатига путур етмасди.

Яна бир муаммо. У ҳам бўлса область агросаноат комитети базасининг Тошкентда жойлашганидир. Комбинат шунча жойга маҳсулот олиб боради-ю, баъзан уни қабул қилишмайди. Транспортга бекорга ёнилғи сарфланади. Асаблар таранглашади. Мева-чевалар уринади. Шундан сўнг улар мевани ноилож-лиқдан арзон нархда консерва заводига топширишди. Бу — деҳқон киссасидан ютқазади, дегани.

Модомики, гап дала меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги ҳақида борар экан, бу соҳада ўзгариш ясаш пайти келмадимикин?! Айтайлик, агросаноат комитети ўз базасини комбинатга яқинроқ жойга қурса бўлмайдими?

— Бу — 16 минг тонналик мева-сабзавот хирмони ўйиб, бир миллион сўм даромад олишни мўлжаллаётган халқ ободликлар кайфиятини янада кўтарган, ғайратига ғайрат қўшган бўларди.

А. МАННОПОВ.

Агросаноат янгиликлари

Четдан ёрдам олмай

Ворошилов районидаги «Социализм» совхозининг деҳқонлари бу йил пахта ҳосилини четдан ёрдам олмай теришга қарор қилдилар. Хўжаликда терим-транспорт отрядларини ташкил этиш тугалланди. Улар составида 70 та пахта териш машинаси бор. Отрядларга техника хизмати кўрсатиш бригадалари жалб этилди. Бу бригадалар тажрибали ремонтчилар ҳамда зарур эҳтиёт қисмлар ва асбоблар билан таъминланган.

Депутатлар ва халқ назоратчилари пахта терининг бориши ва ҳосилни тайёрлаш устидан назоратни йўлга қўйишни ўз зиммаларига олдилар. Терим-транспорт отрядларида муваққат партия ва комсомол группалари ташкил этилди.

Тажрибадан —практикага

Поп районидаги «Навбаҳор» совхозида йил бошидан бери материал-техника ресурслари сарфи учдан икки баравар қисқарди, механизмларнинг иш унуми учдан бир баравар ошди. Механизаторлар меҳнатини ҳисобга олишнинг чек системасига ўтишнинг дастлабки якунлари ана шундай бўлди.

Янгилик самарадорлиги кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Район агросаноат бирлашмаси навбаҳорликлар тажрибасини умумлаштириб, райондаги бошқа хўжаликлар механизаторларини ҳам чек системасига ўтказиш учун тавсиялар тайёрламоқда. (ЎзТАГ).

Техника мавсумга шай

Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози азаматлари юбилей йилида 1800 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтаришни кўзлашмоқда. Айни кунларда далаларда ғўза парваришн юксак мажбуриятга яраша намунали олиб бориляпти. Шу сабабли бўлиқ кўсаклар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Хўжаликда йиғим-теримга ҳам пухта ҳозирлик кўрилаётир. Мавжуд 42 та «Зангори кема» ва бошқа машина-механизмлар созланиб, старт чизиқларига келтириб қўйилди.

Ф. ИШЧЕНКО.

Бўрдоқибоқарлар ғалабаси

Фарғона районидаги «Прогресс» совхози бўрдоқибоқарлари давлатга гўшт сотиш бўйича йиллик планларини бажардилар. Қабул пунктларига пландаги 36 тонна ўрнига 45,5 тонна гўшт топширилди. Бу ўтган йилдагидан 27,5 тонна кўпдир.

Меҳнат муваффақиятида Нурмамат Ҳакимов, Эминжон Абдувалиев, Нуъмонжон Тўраев, Андалиб Латипов сингари бўрдоқибоқарларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

С. ДАДАХЎЖАЕВ.

Тўққиз ойлик план бажарилди

Советобод районидаги «Жом» совхози чорвадорлари сут тайёрлаш тўққиз ойлик планини ортиғи билан адо этдилар. Эл-юрт дастурхонига пландаги 5450 центнер ўрнига 6378 центнер сут тортиқ этилди.

О. Омонова, Б. Ортиқова, С. Йўлдошева, Г. Маҳмудова сингари «оқ чашма» соҳибалари бу ютуққа муносиб улуш қўшишди.

А. САТТОРОВ.

Шунингдек, редакциямизга **Ш. Маҳмудов** (Қашқадарё), **В. Новиков** (Сурхондарё), **И. Султонов** (Андижон), **Н. Дошанов** (ҚҚАССР), **У. Душаев** (Сирдарё), **Ш. Боқиев** (Бухоро), **К. Мамажонов** (Фарғона), **П. Азимов** (Тошкент)лар ҳам агросаноат мавзусида хат-хабарлар йўллашган.

• *Соғлом турмуш тарзи учун*

«Умид» учқунлари

Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятнинг вазифалари масъулиятли, айни пайтда долзарбдир. Партия Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш ҳақидаги қарорлари ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг шу хусусдаги Фармонини амалга ошириш учун биз тинимсиз, самарали фаолият кўрсатишимизни талаб этади.

Комплекс тадбирларимиз амалий хусусият касб этиши учун ишни асосан ҳушёрлик клубларида марказлаштиришни мақсад қилиб қўйдик. Илгари пиво омборхонаси бўлган жойни ремонт қилиб, қайта созлаб «Умид» клубини ташкил этдик. Ўтган йилнинг 20 августидан бошлаб бу ҳушёрлик клуби методик марказга айлантирилди.

Маълумки, Ҳушёрлик жамияти фақат кўча-куйда масталаст юрганларга қарши кураш ташкилоти эмас. Унинг фаолияти ичкиликбозликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ижодий меҳнат муҳитини вужудга келтириш сингари тарбиявий вазифаларни амалга оширишга қаратилгандир. Шу асосда дастлаб барча активларимизни «Умид»га таклиф қилиб, аниқ ишларни белгилаб бердик. Шунга қарамай бу ерда дастлабки лекция уюштирилганда унга фақат икки киши келди, холос. Кейин ўзимиз маҳаллаларга, чойхоналарга бордик, хонадонларга кирдик, Маҳалла, кварталларда тузилган ҳушёрлик учун кураш жамиятининг бошланғич ташкилотлари раислари билан биргаликда одамлар ҳузурида бўлдик.

— Чойхона биз учун қулай. Лекцияни шу ерда ўқишаверишсин, — дейишди кўпчилик.

Биз эътироз билдирмадик. Улар айтганларидек лекторлар, медицина ходимларини чойхоналарга таклиф этдик. Суҳбатлар мазмунли бўлишига ҳаракат қилдик. Бу ўз самарасини кўрсатди. «Умид»да ўтказилган навбатдаги лекцияда кўпчилик иштирок этди. Биз лекциядан сўнг фильмлар, концертлар намойиш этишни ҳам йўлга қўйдик. Аста-секин клубга ёшлар, уй бекалари ҳам қатнай бошлашди.

Ёшларнинг айримлари вақтни ичкиликсиз ўтказиш худди оғир маросимга ўхшайди дейишади ҳам. Шундан сўнг ҳар бир учрашувнинг сценарийси устида бош қотирилди. «Сиёб гуллари» кўрик-конкурси ўтказилганда ёшлар бир неча соат ҳаяжон оғушида бўлишди. Айниқса, поликлиникалар, врачлар, ҳамширалар ўртасидаги конкурслар кўпчиликни қизиқтирди. Ичкилик асорати, унинг инсон саломатлиги, турмушига соя солишга оид фактлар, мисоллар лекция орқали эмас, балки конкурслардаги савол-жавоблар билан кишилар онгига етказилди.

Биз кўрик-конкурслар мазмунини бойитиш учун сўзга чечан кишиларни қидирдик. Масалан, «Хотин-қизлар меҳнати», фабрика инженери Гулчеҳра Жамилова олиб бораётган кечалар, учрашувлар ҳар бир кишида катта таассурот қолдирмоқда.

Ҳуллас, «Умид»га одамлар сиғмай қолишди, яъни клубимиз торлик қилди. Кўп ўтмай иккинчи клубни ишга туширдик. «Сиёб» колхоз боғзори атрофида яшайдиган ёшлар «Якчинор» клубига қатнай бошладилар. «Балли, қизлар», «Топқирлар» кечаларини ўтказиш анъанага айланди. Ҳозир учинчи клубни ҳам ишга тушириш арафасида турибмиз.

Бу масаланинг бир томони. Демак, «Умид» учқун берди. Бу, албатта, район партия комитети ташаббуси билан амалга оширилди. Хўш, Ҳушёрлик учун кураш жамиятнинг бошланғич ташкилотлари қандай фаолият кўрсатяпти. Афсуски, бунга раҳбарлик қилишда талабчанлик етишмаяпти. Юқоридаги сингари тадбирлар билан банд бўлиб, бошланғич ташкилотлар эътибордан четда қолаётир. Айниқса, трикотаж, тўқимачилик-атторчилик буюмлари фабрикаларида ҳушёрлик жамиятларининг таъсири сезилмайди. Биз нон заводи, 128-автобаза коллективи тажрибаларини умумлаштирган ҳолда ҳамма жойда соғлом турмуш учун курашни бирдек йўлга қўйишимиз шарт.

Районимиздаги кўпгина йирик корхоналарда асосан хотин-қизлар ишлашади. Масалан, «Хотин-қизлар меҳнати» фабрикасида айримлар бу ерда ҳушёрлик учун кураш жамияти бошланғич ташкилотини тузиш керак эмас дейишди. Биз бу фикрга қарши турганимизда кулги қилганлар ҳам топилди. Лекин шу йилнинг фақат биринчи кварталида мазкур корхонада ишлайдиган коммунистлардан С. Муҳиддинов, М. Тўрабоев ҳушёрхонага тушишди. Ҳозир уларнинг хатти-ҳаракатлари кенг муҳокамага қўйилди. Шу фактнинг ўзиёқ ҳар бир корхонада у каттами-кичикми барибир ҳушёрлик жамиятининг бошланғич ташкилоти тузилиши зарурлигини кўрсатади.

Ҳали амалга оширишимиз зарур бўлган ишлар кўп. Олдимизда турган вазифа масъулиятини англаб етмаган айрим раҳбарлар ҳам бор. Баъзан учрашувларга ансамбллар таклиф этишда қийналиб қоляпмиз. Айримлар эса концерт қўйиб бериш билан ичкиликбозликка қарши курашиш мумкинми, дейишади. Ваҳолонки, партия Марказий Комитети ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашнинг муҳим омили эканлигини қайта-қайта уқтирмоқда.

Спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган магазинлар сонини тубдан қисқартириш билангина мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳамза, Ғ. Ғулом номли кварталлар комитетлари тўйларни, турли анъаналарни ичкиликсиз ўтказиш ташаббуси билан чиқишди. Улар ҳар бир тўйнинг алоҳида сценарийсини тайёрлашмоқда. Бу йил тўй мавсуми олдидан барча кварталлар, маҳаллаларда уларнинг ташаббуслари оммалаштирилмоқда. Чунки тўйлар ҳам сиёсий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маросимга айланиши лозим.

Районда ичкиликбозлик олдинги йиллардагига қараганда кескин камайди. Бироқ жамоатчилик жойларида спиртли ичимлик билан савдо қилиш, спиртли ичимлик истеъмол этиш камайса-да, хонадонларда ароқхўрлик қилиш ҳамон давом этмоқда. Бу эса айрим оилалар бузилишига, турли жанжаллар келиб чиқишига сабаб бўлаётир. Шу боисдан ҳам ҳозир фаолиятимиз таъсир йўналишини оилага қаратяпмиз.

Ҳуллас, ҳали бажаришимиз керак бўлган ишлар кўп. Дастлабки натижалар эса биз тинимсиз, самарали ишлашимиз нақадар зарур эканлигини исботлаб турибди.

Замира ИБРОҲИМОВА,
Самарқанд шаҳридаги Сиёб район Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамияти масъул секретари.

• *Маданий меросга доимий эътибор*

ҲАММАНИНГ ИШИ

Республикамизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида аждодларимиз яшаган манзилгоҳлар, турли харобалар, ибодатхона-ю, қалъалар мавжуд. Бу ёдгорликлар халқимиз тарихини ўзида сақлаб келаётган оригинал архивдир. Лекин, биз ана шу бебаҳо хазинани авайлаб асрай оляпмизми! Йўқ. Айрим жойларда маданий ёдгорликлар аёвсиз бузиб ташланмоқда ёки унга катта талофат етказилмоқда.

Маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш — ҳамманинг иши. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги нодир архитектура ёдгорликларини муҳофаза этиш бурчимиздир.

Суратларда: 1. Бухоро шаҳридаги Исмоил Сомоний мақбараси. Ёш рассомлар нодир архитектура ёдгорлиги суратини чизишаётир. 2. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон амалий санъат музейи биноси таъмирланмоқда. Музей XIX аср охири ва XX аср бошларида қурилган архитектура ёдгорлиги — тарихий бинога жойлашган.

Рассом таъмирчилар И. Носиров ва Р. Исмонлова иш устида.

С. Величкин, Р. Ғафуров (ТАСС) ва М. Юсупов фотолари.

ФОТОРЕПОРТАЖ

АСРЛАР ВА НАСЛЛАР МУЛКИ

Бухоронинг асрий обидалари — маҳобатли осори атиқалари, рангдор кошинли иморатлари, ноёб нилий гумбазлари, савлат тўкиб турган миноралари кимларни қойил қолдирмаган! Ҳозир бу музей шаҳарда IX асрдан XX асргача бўлган даврда барпо қилинган 100 га яқин тарихий обида бор. Булар орасида ўз моҳияти жиҳатидан тариҳ поғонасида ҳар бир асрдан намуна сифатида қолган ёдгорликлар оз эмас. ЮНЕСКО томонидан ҳисобга олинган Исмоил Сомоний мақбараси IX—X аср, Минораи Калон XI аср дурдонасидир.

Шаҳарнинг ўрта аср меъморчилигига оид ёдгорликлари жаҳон миқёсида шуҳрат топган. Бу ерга ташриф буюрган сайёҳлар ўймакорлик, ганч ва сержило нақшлар билан нафис безатилган, ҳамон ўз рангини, салобатини йўқотмаган асрлар ва насллар бойлигини синчиклаб кўздан кечирадилар, бунёдкорлар ишига таҳсинлар ўқийдилар.

Асраб-эъзозлаб сақланаётган асрий бойликлар биз-нинг замонамизда қад-қоматини, кўрку латофатини қайта тикламоқда. Сўнгги йилларда Лабиҳовуз ва Гавкушон ансамбли атрофидаги бир неча бино қайта тикланди. Олимжон ва Аъзам мадрасалари, Сиёҳғарон, Моғоқи кўрпа масжидлари ҳамда Эски мактаб каби обидаларни тиклаб, асл ҳолига келтириш мақсадида анча ишлар амалга оширилди.

Меъморларимизнинг ғайрати билан қисқа давр ичида эски банк биноси тасвирий санъат музейига айлантирилди. Шу каби Мирараб мадрасасининг пештоқи қайта сайқал топди. Ситораи Моҳи Хоса ва Масжиди Калон сингари ёдгорликлар ҳам таъмир қилинди. Айниқса, XV аср Шарқ меъморчилиги дурдоналаридан бири бўлган Масжиди Калонни таъмирлашда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Очил Бобомуродов, шунингдек, Зариф Фаттоев, Иброҳим Аббосов, Акбар Обидов каби ўнлаб меъморларнинг ҳиссаси катта.

Асрий ёдгорликларни асл ҳолига келтиришда давлатимиз томонидан кўплаб маблағ сарф этилмоқда. Ўтган йили 1 миллион 200 минг сўм сарфланган бўлса, Улуғ Октябрнинг шонли юбилейи йилида 1,4 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган эди. Шу йилнинг етти ойи ичида реставрация ишларига 850 минг сўмга яқин маблағ сарфланиб, план ошириб бажарилди. Айни пайтда мутахассислар Тоқи Заргарон, Абдуллахон мадрасалари ва Чорбакр ансамбли каби 18 та тарихий ёдгорликда таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда.

Аммо шаҳардаги тарихий ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш борасида ҳал этилиши лозим бўлган нуқсонлар, ечимини кутаётган кўпгина муаммолар мавжуд. Бундан бир неча йил илгари Бухоро шаҳрида Минораи Калон, тим ва тоқилар билан қўшилиб кетадиган Шарқ услубидаги усти ёпиқ расталар ҳамда дўконларга эга бўлган халқ ҳунармандчилиги комбинати комплекси қурилиши кўзда тутилган эди. Афсуски, ҳанузгача бу хайрли иш унутилмоқда.

Бундан ташқари бир вақтлар Тоқи Заргародаги махсус ҳужраларда турли матолар билан савдо қиладиган магазинлар бор эди. Ана шу савдо шохобчалари бу ердан кўчирилгач, Тоқи Заргарон негадир эътибордан четда қолиб кетди. Унинг ҳужралари ремонталаб. Фикримизча, Тоқи Заргаронда отабололаримиз анъаналарини давом эттириб, заргарлик буюмлари билан савдо қиладиган дўконлар, турли хил зебу зийнатларни ясаб берадиган, уларни тузатадиган устахона очилса, нур устига аъло нур бўларди.

Шаҳардаги тағин бир маданий мерос эшиги олдида «Ўзбекистон ССР меъморчилик ёдгорлиги — Буён Қулихон мақбараси давлат муҳофазасида» деб ёзиб қўйилган. Афсуски, XIV аср гувоҳи бўлган бу ёдгорликни авайлаб асрашга эътибор берилмаяпти. Ёдгорликдан 2,5 метр нарида темир йўл жойлашган. «Бухоро-I» темир йўл бўлимига қарашли бу йўлдан юк ташувчи поезднинг тез-тез ўтиб туриши мақбара пойдеворига таъсир этмоқда. Мақбара деворларининг дарз кетиб, безаклари кўчган. Бунинг устига нодир обида атрофи уюм-уюм тупроқдан ва кўҳна қабристон қолдиқларидан иборат бўлиб қолган. Бу ерда 987-УНР базасининг темир-терсаклари уйиб ташланган. Шаҳар ижроия комитети атрофни тозалаш, тартибга келтириш ҳақида қайғурмаяпти.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Бухородаги махсус илмий таъмирлаш устахонаси ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Аввало таъмирлаш ишларига юзаки қараш ҳоллари содир бўлмоқда. Таъмирлашда қўлланиладиган ғишт нусхасини сифатли тайёрлашга эътибор берилмаётир. Маълумки, кошинкорлик ишларини ганчсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин айрим пайтларда тайёрланаётган ганчларнинг сифати паст.

Устахонада иш сифатини яхшилаш мақсадида археологлар, архитекторлар, лойиҳачилар, санъатшунослар, тарихчилар, қолаверса гидротехник, минеролог, тупроқшунос олимларнинг маслаҳат уюшмасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бухоро усталари амалга ошириладиган таъмирлаш ишларининг лойиҳаси республика лойиҳалаш институтининг мутахассислари томонидан тайёрлаб берилади. Бухоро табиатининг инжиқлиги, тупроғи ва сувининг хусусияти эътиборга олинмасдан тузилган лойиҳалар асосида бажарилган ишлар узоққа бормаяпти. Ҳар йили 1,3—1,4 миллион сўм маблағни реализация қиладиган устахона қошида Тошкент лойиҳалаш институтининг филиали ишласа таъмирлаш ишини янгичасига ташкил қилишга катта ёрдам берарди.

Бизнингча, турли даврларда тикланган ёдгорликлар учун бир хилдаги қурилиш материалларини ишлатиш ярамайди. Мисол учун XVI аср обидаси ҳисобланган Тоқи Сарофон ва ундан 3—4 аср кейин қурилган биноларнинг ҳам бир хил сопол лой билан реставрация қилинганлиги ёдгорликнинг бузилишига олиб келди. Ҳар бир ёдгорликни асл ҳолига келтириш учун унга ишлатиладиган материал чуқур ўрганилиб, таркиби аниқланиши лозим. Баъзи ёдгорликларнинг эса ғиштин қисми тикланиб, кошинкорлиги бажарилмай қолмоқда.

Бухоро области территориясида жами 685 та тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Қоракўл районидаги Тошмачит, Замонбобо, Свердлов районидаги Қизбиби обидаларига ҳам қайта умр бағишлаш пайти келди. Пешку районидаги Хўжапешку ва Бухоро районининг территориясидаги Чорбакр ансамбларини таъмирлаш ишлари эса 6—7 йилдан бери чўзилиб келаётир.

Халқимизнинг буюк даҳоси ва истеъдоди билан бунёд этилган маданий меросни асраб-авайлаш ва сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Р. РЎЗИЕВ.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АБОНЕНТЛАРГА АВТОМАТ АЛОҚАНИНГ ЯНГИ ИЎНАЛИШЛАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТА БОШЛАЙДИ:

Йўналишларнинг номи	Код	Справкалар бюроси
Барнаул	38522	56683, 51825
Благовешченск	41622	20505
Красноярск	3912	275959
Қизил	39400	23305
Омск	3812	240424
Томск	38222	23894
Чита	30222	9909111
ОЛТОЙ ЎЛКАСИ		
Алейск	38553	22209
Олтой	38537	22209
Белокуриха	38577	28209
Волчиха	38565	22209
Завьялово	38562	22209
Заринск	38595	41209
Змеиногорск	38517	22209
Красношекова	38575	22209
Новоалтайск	38532	22209
Павловск	38511	22209
Рубцовск	38557	22209
Родино	38563	22209
Смоленск	38536	22209
Целинное	38596	22209
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Қораўзак	36146	—
КРАСНОЯРСК ЎЛКАСИ		
Ачинск	39151	74399
Большая Мурта	39118	35333
Березовка	39175	91399
Большой Улуй	39159	—
Енисейск	39115	23399
Ермаковское	39138	—
Ирбейское	39174	—
Иланский	39173	—
Заозерний	39165	21247
Казачинское	3910016	575
Каратузское	39137	—
Курагино	3910036	—
Минусинск	39132	21553
Назарово	39155	22408
Новоселово	39147	—
Партизанское	39140	21444
Ужур	39156	21163
Черненко	39153	—
Шушенское	39139	32530
НОВОСИБИРСК ОБЛАСТИ		
Барабинск	38361	22920
Бердск	38341	69799
Здвинск	38363	21500
Искитим	38343	—
Карасук	38355	—
Каргат	38365	22115
Куйбишев	38362	21230
Ординское	38359	32401
Северное	38360	21600
Татарск	38364	22180
ОМСК ОБЛАСТИ		
Большеречье	38169	—
Горьковское	38157	—
Знаменское	38179	—
Исилькуль	38173	—
Калачинск	38155	—
Кормиловка	38170	—
Колосовка	38160	—
Любинский	38175	—
Муромцева	38158	—
Москаленки	38174	—
Нововаршавка	38152	—
Називаевск	38161	—
Одесское	38159	—
Оконешниково	3810066	—
Павловградка	38172	—
Русская Поляна	38156	—
Саргатское	38178	—
Таврическое	38151	—
Тевриз	38154	—
Тара	38171	—
Тюкалинск	38176	—
Усть—Ишим	38150	—
Черлак	38153	—
Шербакўл	39177	—
ТОМСК ОБЛАСТИ		
Асина	38241	—
Белий Яр	38258	—
Колпашево	382054	—
Строжевой	38259	—

ЭСЛАТМА:

Минск шаҳрида справкалар бюросининг телефони 31 0911 га ўзгарди.

КРАСНОДАР шаҳрида код номери: 8610xxxxxx эди, энди 8612xxxxxx га ўзгарди.

САРАНСК шаҳрида алоқага чиқиш номери ўзгарди, 83400+№ АТС, 83422 № АТС га ўзгарди.

Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси.

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

ҚОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Жанубда ўсадиган ва янги ёғ олинадиган экинлар лабораториясининг **мудири** (фан кандидати);

Тожикистон ССР Шартуз районидаги таянч пунктида ишлаш учун **катта илмий ходим;**

Туркманистон ССР Қизил Атрек таянч пунктида ишлаш учун **катта илмий ходим;**

филиалда ишлаш учун **кичик илмий ходимлар** (2).

Конкурс муддати — 29 сентябргача.

Ҳужжатлар Низомга мувофиқ қуйидаги адресга юборилсин: 702134, Тошкент области, «Ботаника» алоқа бўлими.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ахборот агентлиги коллективи ЎзТАГ алоқа бошқармаси техника бўлими мудири

Баҳодир Жалолович САИДКАРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи филология фанлари доктори, катта илмий ходим А. Абдуғафуровга акаси

Абдурауф АБДУҒАФУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

• *Тингланг, томоша қилинг*

4 сентябрь, жума

Телевидение

МТ-I. 8.00 — «90 минут». 9.35 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 12.00 —Дунё ва ёшлар. 12.35 ва 16.30 —Янгиликлар. 16.40 — Қайта қуриш прожектори. 16.50 — «Етовлон солдатча». Бадиий фильм. 18.15 — «Рус музейи». 18.45 —Фан ва турмуш. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 —Киноафиша. 20.10 —Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 —«Бразилия овозлари».

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 —Музика. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Инглиз тили. 10.55 —К. Кулиев поэзияси. 11.25 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 — Рус қиссаларининг қаҳрамонлари. 12.05 — Сиз яратган боғ. 13.10 —«Ватаньонлар ўт очишни сўраяпти». Бадиий фильм, 4-серия. 14.45 — «Олтин жавон». 15.20 —Янгиликлар. 15.30 — Тарих саҳифалари. 16.15 — Арманистон телевидениесининг программаси. 18.35 —Янгиликлар. 18.45 — Концерт. 19.00 — Мотокросс. Жаҳон чемпионати. 19.20 —Инсон ва қонун. 19.50 —Ҳужжатли фильм. 20.00 — Ҳамдўстлик. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 —Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Емгирда қолган ёлғиз автобус». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия. 00.25 —Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 01.10 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.00 —Ритмик гимнастика. 7.20 — Тонгги тароналар. 7.30 —Ахборот. 7.50 — Садом, кичкинтойлар! 8.00 — «Ўринбосарлар улгаймоқда». 8.20 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Телефильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мульт. фильм. 18.30 —Ўзбекистонда Ҳиндистон фестивали. 19.00 — КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30— Ахборот. 19.45 —Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Время. 22.05 —«Ринг». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 19.25 — «Ёримизнинг жароҳатлари». Бадиий фильм. 21.10 — «Товарлар халққа». 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.05 — «Тергов». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон артистлари ижросида ҳинд қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Ўқувчиларнинг талабларига биноан концерт. 11.15 — Юнуст. 12.10 — Ўзбекистон бинокори. 12.40 — «Баҳор» ансамблининг созандалари чалади. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — А. Пугачёва куйлайди. 14.00 — Қишлоқ ҳужалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Инқилоб ворислари. 18.15 — Социалистик турмуш тарзи. 18.30 — Ўзбекистонда Ҳиндистон фестивали кундалиги. 19.20 — Огоҳи. 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — «Аёл қалби». Повесть асосида радиопостановка. 23.35 — Дам олиш концерти.

Р. — 08994. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 203. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12